



Шундай кишилар борки қалблари ҳидоятга талпинади. Лекин кибри дин анаъналарини бажаришга қўймайди.

Ҳа бу айни ҳақиқат. Кийимни тўпиқдан пастга туширмаслик, соқол қўйиш, юриш туришда коғирларга эргашмаслик. Йўқ, йўқ! Аллоҳ буйруқларига бўйсунишдан кўра ташқи кўринишининг гўзал бўлиши муҳимроқ!

Баъзи аёллар ҳам ҳудди шундай. Хижобга аҳамият бермайди. Ахир чиройли кўриниш керак. Кийимлар ҳам бежирим турсин. Қош теришми, тор кийишми Аллоҳга осий бўлса ҳам қилверади, муҳими гўзал бўлсин. Насиҳат эшитса кибру-ҳаво қилиб баттарроқ гуноҳларга қўл уради.

Кимнинг қалбida зарра мисқолича кибр бўлса жаннатга кира олмаслигини ҳаммамиз биламиз. Лекин ўша кибр ҳидоятдан тўсса, бу не ҳол?

Жабала инб Айҳам деган кишини эшитганмисиз?!

Жабала Шом юртида Ғассон қабиласининг подшоҳи эди. Иймон нури унинг қалбини ёритди. Исломни қабул қилиб Умар разияллоҳу анҳуга нома жўнатди. Номада Исломга кирганини, мусулмонлар халифаси Умар хузурига бормоқчилигини ёзди. Умар разияллоҳу анҳу ва мусулмонлар буни эшитиб жуда хурсанд бўлдилар. Умар разияллоҳу анҳу унга “Мадина келаверинг, сиз ҳам мусулмонлар билан teng хуқуқлисиз”, деб ёзиб юбордилар.

Жабала беш юз отлиқ ҳамроҳлигига йўлга чиқди. Мадина кўзга ташланиб қолганда тўхтаб кийимларини алмаштириди. Устига тилло



иплардан тўқилган чопонини, бошига эса жавоҳирлар қадалган тилло тожини кийди.

Аскарлари ҳам қимматбаҳо кийимларда. Мадинага шу ҳолда кириб келдилар. Уларни ҳамма тамошо қилгани чиқди, ҳатто аёллар ва ёш болалар ҳам бундан қуруқ қолмадилар. Умар разияллоҳу анҳу ҳузурларига кирганда уни ҳурсанд кутиб олдилар, ёнларига ўтқаздилар. Жабала Мадинада Умар разияллоҳу анҳу ҳузурида Исломни ўргана бошлади.

Келганига кўп ўтмай ҳаж мавсуми келди. Умар разияллоҳу анҳу ҳажга отланди. Жабала ҳам бирга йўлга чиқди.

Жабала Каъбани тавоф қиласкан Бани Фузорадан бўлган бир камбағал киши унинг этагини босиб олади. Бундан ғазабланган Жабала унга бир мушт тушириб бурнини қонатади. Фузоралик киши ғазабланиб Умар разияллоҳу анҳу ҳузурига жўнайди. Бўлган воқеани айтиб беради. Умар разияллоҳу анҳу одам жўнатиб Жабалани ҳузурига чақиради.

- Эй Жабала ўз биродарингни нима учун урдинг, яна тавофда-я?! Ахир буни бурнини синдирибсанку?!
- У менинг изоримни босиб олди. Кўзига қараб юрса бўлмайдими? Агар Аллоҳ уйининг ҳурмати бўлмагандан калласини олардим.
- Урганингни бўйнингга олдинг. Энди буни ё рози қиласан. Ёки у сендан қасос олади. Юзингга уни урганингдек уради.
- Мендан шу ялангоёқ қасос оладими? Ахир мен подшоҳ бу эса бир ялангоёқ-ку!?



- Эй Жабала Ислом сизларни тенг қилган. Сен ундан фақат тақво билангина ортиқ бўла оласан.

- Ундай бўлса мен насроний динига кираман.

- Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам: «Динини ўзгартирган кишини ўлдиринглар» деганлар. Агар насронийликка ўтсанг мен сени ўлдиришга буюраман.

- Бир кун мухлат беринг ўйлаб кўрай.

- Майли, мен розиман, ўйлаб кўрақол.

Умар разияллоҳу анҳу ва Жабала ўртасидаги сұхбат шу билан якун топди. Эртаси тонгда сұхбат давом этиши лозим эди. Лекин ундай бўлмади. Жабала аскарлари қуршовида Маккадан анча узокда шошқин от чоптириб боришарди. Мақсадлари Константинопол, насронийларнинг шарқий пойтахти.

Мақсадига етиб боргач насроний динини қабул қилди.

Йиллар ўтди... дунё лаззатлари кетди, лекин қалбдаги ҳасратлар кетмади. Исломда ўтказган кунлари.. намоз, рўза лаззати. Бундай totli кунларни унутиб бўлмасди.

Динни ташлаб Аллоҳга ширк қилганига минг афсуслар қилди.
Кўзларида ёш билан шерлар тўқирди...

Маъноси:

Бир муштдан ор қилиб, саййид динин алишди

Сабр қилсанг сенга зарар бўлмасди

Бир муштни деб кибр отига миндим

Соғлом кўзни қўйиб ғилайига алишдим

Кошки онам мени туғмай қўйсайди

Умарнинг айтганин қилсан қанийди

Бундан кўра чўлда туя боқсам ва ёки

Рабийъаю Музарга асир бўлсан майлийди

Кўр, кар бўлиб қавмим ичидা

Шом юртининг энг ночори бўлсан қанийди

Шунга қарамай у насроний ҳолида ўлим топди.

Ҳа, ҳа, кофир ҳолда ўлди! Чунки у Аллоҳ шариатига бўйин эгишдан кибр қилганди.